УзССР Давлат китоб палатаси
Гос книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 137 (21. 004) 1991 йил 18 июль, пайшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

М. С. ГОРБАЧЕВ ЛОНДОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Президенти М. С. Горбачев 16 июль куни Москвадан Лондонга жўнаб кетди. Британия пойтахтида у саноати ривожланган етти етакчи давлат раҳбарлари билан учрашади.

Внуково аэропортида М. С. Горбачевни СССР вице-президенти Г. И. Янаев, СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, СССР Бош вазири В. С. Павлов, КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко, СССР Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

СССР Президенти билан бирга совет делегациясининг унга ҳамроҳлик қилаётган аъзолари ҳам жўнаб кетдилар.

(ТАСС).

* * *

ЛОНДОН, 17 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти М. С. Горбачев сешанба куни кечки пайт Москвадан Лондонга келди. У Британия пойтахтида саноати ривожланган етти етакчи мамлакат раҳбарлари билан учрашади.

«Хитроу» аэропортида М. С. Горбачевни Буюк Британия ички ишлар вазири К. Бейкер, қиролича вакили Лорд Астор, СССР Бош вазирининг биринчи ўринбосари, В. И. Шчербаков, СССР Хавфсизлик Кенгашининг аъзоси Е. М. Примаков, Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси Р. Брейтвейт, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Л. М. Замятин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Суратда кўриб турганингиз — зиёли эмас, оддий меҳнаткаш йигит, машина ҳайдовчи. Янгийўл-Тошкент йўналишида қатновчилар уни яхши билишади.

Нозим Нафеев ўз орзусига эришган бахтли йигит. Бунга осонликча муяссар бўлгани йўқ.

— Бироқ ҳамма орзуларга эришиш қийин, — дейди табассум билан Нозим. — Мен эса асосий ниятимга етдим. У ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлга киритиш учун пухта тараддуд кўрди. Инструкторларнинг машина бошқариш жабҳасидаги назарий-амалий талабларига нуқсонсиз амал қилди.

Шунинг учун йўловчилар ташиш транспорт корхонасига биринчи бор мурожаат қилгандаёқ уни ишга қабул қилишди. Ун беш йилдирки, у йўловчи ташийди. Машинани соз сақлайди, нуқсонсиз ишлатади. Йўловчилар меҳрини қозонган. Қўллари рулда-ю кўзлари йўлда.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзТАГ) олган сурат.

ШАВҚ ЎТИ ЁНСА

Пайариқ районидаги Крупская номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Раҳмат Бойзоқовнинг бозор иқтисодиёти хусусида ўз шахсий мулоҳазалари бор:

— Айрим кишиларга ҳайронман. Вақтимаси оғир тош босади. Бозор остонаси олдидаёқ уларнинг оёғи қалтирайпти. Кимдир мўъжиза рўй бериб, яна эски қайиқда эшкак эшишдан умидвор. Айтиб қўяй, марра фақат бозорни забт этганникиі Бироқ ишнинг машаққатига бардош бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун катта тадбиркорлик керак. Буни тушуниб олиш учун эса, яқинда бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси материаллари билан танишиш кифоя...

Раҳмат Бойзоқовнинг ўзи эса янгича иқтисодий снёсатнинг жиловини маҳкам ушлаганлардан. Келинг яхшиси, у бошлиқ жамоада амалга оширилаётган хайрли тадбирлардан айримларига назар ташлайлик.

Хўжалик аҳолиси етти минг кишидан зиёдроқ. 800 оила ҳисобидан 1200 нафар колхозчи бор. 2500 гектар экин майдонида деҳқончилик қилинмоқда. Табиийки, бу ерда ҳам пахтачиликнинг салмоғи юқори. Бундан олти йил муқаддам 1350 гектар ерда ғўза ўстирилганди. Ана шу майдон ўтган йилга келиб 125 гектарга қисқартирилди. Лекин ялпи хирмон салмоғи саккиз йил илгариги салкам 3490 тоннадан пастга тушган эмас. Даромад-чи? Бу энди жиддий масала. Яшириб нима қиламиз. Куни-кечагача пахта пайариқлик пахтакорнинг ҳам қосасини оқартиролмай келди. Бироқ, ўтган йили бир миллион 100 минг сўм маблағ хўжалик меҳнаткашларига мукофот тариқасида улашилди. Деҳқонча қилиб айтганда, пахтакор бир сўмлик иш ҳақига 4,5-5 сўмдан қўшимча рағбат кўрди.

Ўтган йили вилоятда 150 тоннадан ошириб хирмон кўтарган механизаторга биттадан енгил автомашина ажратилган эди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ана шулардан 8 таси Крупская номли жамоа хўжалигига йўл олди. Нурназар Сулаймонов, Шавқи Назаров, Ғайбулла Дўмбоев, Баҳодир Туримбоевларнинг ҳар бири беш кунлик ҳисоб-китоблари бўйича 3—3,5 минг сўмдан пулни санаб олавериши. 300 дан зиёд пудратчи оилавий звенолардан атиги учтасида режа ўдаланмай қолди. Умуман, хўжалик вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш маррасини эгаллади. Ялпи ҳосилнинг 90 фоизи машинада саранжомланди. Кўплар яқингача вилоятда пудрат усули Ургут тамакичилигидан бошқасида бекор, деб келишди. Лекин ўтган йили ғалвир сувдан кўтарилиб, 11—15 минг сўмдан пулни кўпнинг олдида қоғоз ҳалтачада олган звено бошлиқлари Ф. Маъмуров, Э. Тоштемиров, А. Соқиевлар пахта даромадига ҳам қут-барака энганини баралла айтишди.

Буларнинг ҳаммаси, албатта, биринчи навбатда, пудрат қудратига бориб тақалади. Лекин шу тутумга ўтиб пуф сассиқ деяётган хўжаликлар ҳам учраётгани кишини бу ерда бошқа сиру—синоатлар амал қилмаётирмикан, деган ўйларга судрайди.

Бу ўринда энди раиснинг эл билан муросаю, чўт ташлашга ўтиб, хўжалик рўзгорини тебратишга киришганига тўхталмоқ керак.

— Замонага шукурки, ерни деҳқонга бўлиб берган киши эмас, аксинча буни қизғанган раҳбар ватанга, элга дўст саналмаётир. Аввалига биз ҳам чўчигандик. Йўқ, бозор юкини кўтармоқ учун нафас ростлаб куч тўплаш муддаоси учун шундай қилинаётганини тез илғадик...

— Ишнинг боши — ишнинг ярмидан кўпроқ, деган донолар. Бу ерда чиниданам иккиланилмади. Қўлидан келадиган ва ўзига яраша-диган ишга урининг бошланди. Раис укасини кўндириб, ишонтириб, икки оила ҳисобига биринчилар қаторида етти гектар ер ажратиб олди. Чигит экди. Даромад ерга соҳиблик, меҳнатига яраша келди. 27 тонна 443 килограмм пахта нақд 20 минг

Тадбиркорлар бор бўлсин

175 сўм иш ҳақи бахш этди. Бир неча пудратчининг мана шундай ҳаракати 300 дан ошиқ пудратчилар армиясига асос солди. Энг муҳими, ер билан муомалада мустақиллик шабадаси эса бошлади. Қозон ҳам, чўмич ҳам мойга беланадиган бўлди. Хўжаликни оёққа турғазадиган 300 дан зиёд устун қад ростлади.

Президент раҳнамолигидаги Ўзбекистон ҳукумати одамларга ер беринг, дея амру-фармон қилганида бугунги бозор ташрифини енгиллатмоқни кўзлагани сир эмас. Бу хўжаликда 274 оилага 0,25 гектардан томорқа участкаси ажратиб берилган. Бозорда картошка ва пиёзнинг килоси 3 сўмга, майизнинг килоси 10—12 сўмга чиққани учун эмас, балки бу маҳсулотларни ўз ерларида ўзлари етиштиришаётгани учун ҳалиги оилалар аъзоларининг бозорга қатнови тўхтаб қолди. 800 оиланинг ҳар бирида соғин сигир бор. Биргина ўтган йили уларга 200 тоннадан зиёд озуқа етказиб бериш шарофати қадамба-қадам самара бермоқда. Ҳозир хўжалик қунига кишилар эҳтиёжидан ортиқча 500 килограммгача сутни аҳолидан йиғиб олмоқда. Бу — пулга, албатта.

— Пахта ўз йўлига. Лекин ҳар миниқанинг алоҳида деҳқончилик маромини кўзга яққол ташланиб турадиг. Бизда бу — узумчилик. Ерларимиз лалмикор эмасми, кўпчилик токка ёпишади. Ўша 274 кишининг ажарияти қўшимча томорқасининг тенг ярмида соҳибкорликни ихтиёр этяпти. Яна икки йиллардан сўнг истаган хонадонингизга келиб истаганча учқора майиздан сўрайверинг... — дейди раис.

Лекин хўжалик раҳбариятининг ўзи ҳам бу меҳнат жараёнидан ортда қолмоқчи эмас. Ўтган уч йил давомида пахтадан тортиб олинган 125 гектар ерда узумзор пайдо бўлди. Яна шуниси ибратки, 125 онла соҳибкорлиқ иши билан машғул бўла бошлади. 30 гектар ерда ўрик, олма, ёнғоқ, шафтоли, беҳи, ноқ ниҳоллари ривожга кира бошлади. Қайси ер ҳисобидан дерсиз? Бу йил ҳам пахта майдонининг яна 50 гектарга қисқартирилиши ҳисобига.

Пулни топишдан кўра уни сарфламоқ қийин, дейишади. Шунга қараб иш тутишди. Масалан, хўжалик ҳали яқин йилларда пахта териш машинасини сотиб олмоқчи эмас. 22 тасини ўзининг асл жиловдорларига топшириб қўйган. Уволи — савоби ўшаларники. Лекин шарт шуки, ҳали бу зарбда улар тинмайди. Енг ғўза баргини тўктириш учун энди самолётларга 30—40 минг сўм сарфлашга аллақачон бар-ҳам берилган. 5 та ер усти дорисепгичнинг сарф-ҳаражати 10 минг сўмгача тушяпти. Ахир, пахта майдонлари қисқартирилаётган бир пайтда ортиқча техника нимага керак?

Пул сарфланиши лозим. Халққа 500 ўринли томошахона-клуб, маиший хизмат уйи, ҳаммом, иккита 180 ўринли, битта 70 ўринли болалар боғчалари, қишлоқ амбулаторияси, дала шийпонлари, икки мактаб учун қўшимча 18 та синфхона, сартарошхона, новвойхона керак экан, булар ўрнига қўйилди. Йўллар тартибга келтириляпти. Аҳолининг 70 фоизи водопровод суви ичяпти. 3 минг метрга газ тармоғи тортилди. 400 хонадонда «зангори олов» ёқиш ташвишлари ниҳоясига етяпти. Ҳа, пул керак манзилларнинг ярми ҳали бу. Энди йилига аҳолига 1,5 — 2 миллион сўм товон (компенсация) тўлаш ҳам хўжалик гарданига тушяпти.

Хуллас, излаган имконият топади, истамаган баҳона, деганларидек, агар киши қалбида иштиёқ ўти бўлса, ҳар қандай сўқмоқлардан ҳам дадил юқорилаб қадам ташлайверади. Инчунин имон комил ,ишонч бардамки, , хўжаликнинг катта карвони бозор иқтисодиёти шароитида ҳам дастурхонини серфайз қилмай қўймайди. Усти бутлик, зориқмаслик имкониятларини бой бермайди.

Раис билан хайрлашаётиб, столи устидаги рўзномага кўзимиз тушди. Унда Р. Бойзоқовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Фахрий унвони бериш ҳақида Фармон чиққан экан...

Ҳ. НУРУЛЛАЕВ, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси,

Ф. ТОШЕВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Ўзбекистонга келган СССР адлия вазири С. Г. Лушчиковни 16 июлда қабул қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов ва Ўзбекистон ССР адлия вазири Б. М. Маликов ҳам қатнашдилар. Қонун чиқарувчилик, ижрочилик ва судлов ҳокимияти оралиғида ишловчи умумий ҳуқуқий муассаса бўлмиш адлиянинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, Ўзбекистонда чинакам ҳуқуқий снёсатни шакллантириш ва ўтказиш, республика давлат ва жамоат ҳумушининг мустаҳкам қонун чиқарувчилик асосини вужудга келтириш масалалари муҳокама қилинди. Одил судловнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонунларни амалда ижро этиш самарадорлигини ошириш зарурлиги ва муҳимлиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

Хитойлик журналистлар Ўзбекистонда

Бир гуруҳ хитойлик журналистлар Ўзбекистонда меҳмон бўлиб туришибди. Гуруҳга Хитой Компартияси Марказий Комитети тарғибот бўлими мудирининг ўринбосари, ХХР Журналистлар уюшмаси раисининг ўринбосари Ли Янь бошчилик қилмоқда.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг иши билан танишдилар, «Совет Ўзбекистони» рўзномаси таҳририяти ходимлари билан учрашдилар. Меҳмонлар Тошкент вилояти хўжаликларидан бирида ҳам бўлиб, ўзбек деҳқонларининг фидокорона меҳнатини юксак баҳоладилар.

Хитойлик журналистларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов қабул қилди. У меҳмонларга республика турмушида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида, Ўзбекистон Компартиясининг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги снёсий-ташкилотчилик иши тўғрисида, республиканинг мустақиллик йўлидаги дастлабки қадамлари, шу жараёнларни амалга оширишда матбуотнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида гапириб берди. Хитой билан Совет Ўзбекистони ўртасида тарихан таркиб топган дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикрлашиб олинди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Навбатдаги мажлисда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари муҳарририятларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг ишини ташкил этишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Маълумки, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши V сессиясининг қарори билан Раёсатга ушбу муҳарририятлар фаолиятини яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш топширилган эди. Олий Кенгаш сессиясида халқ депутатлари муҳарририятлар номига билдирган ғанқид, улар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда рўзномалар раҳбариятини мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақидаги таклифлар асосли ва ўз вақтида киритилганлиги текширувда тасдиқланди.

Республика парламентининг матбаа органини яратиш бўйича қилинган ишлар билан бир қаторда рўзномалар муҳарририяти фаолиятини ташкил этишда ва уларга раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Молиявий интизом ва меҳнат қонунлари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Муассиснинг нуқтаи назаридан ва кўрсатмасидан жиддий чекинишга йўл қўйилган. Парламент, унинг идоралари ва жойлардаги халқ сайлаб қўйган вакилларнинг фаолиятини, аҳолининг ҳаётий манфаатларига тааллуқли бўлган ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш, Иттифоқни янгилаш ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ёритиш ўрнига сифати, ҳаққонийлиги ва мақсадга мувофиқлиги шубҳа туғдирадиган бир қанча мақолаларнинг берилиши депутатларда жиддий эътирозлар туғдирмоқда.

Юзага келган вазият ҳамда йўл қўйилган камчиликлар учун масъулиятни Раёсат, аввало, муҳарририят раҳбариятига, шу жумладан, бош муҳаррирнинг ўринбосарлари ҳамда масъул котиблар зиммасига юклади. Шу билан бирга Олий Кенгашнинг тегишли идоралари томонидан муҳарририят фаолияти назорат қилинмаганлиги ҳамда рўзномани маблағ билан таъминлаш масаласида Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги принципсиз йўл тутганлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда Олий Кенгаш органларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда улар раҳбарларининг ўзларига ишониб топширилган ишдаги аҳвол учун шахсий масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раҳбариятини қўллаб-қувватлаш зарур деб топилди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Ошкоралик ва депутатлик одоби комиссиясига, Котибиятига «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари муҳарририятининг ишини яхшилашда уларга амалий ёрдам кўрсатиш топширилди.

Раёсат ўртоқ А. Ғ. Мухторовни ўз аризасига асосан рўзнома бош муҳаррири вазифасидан озод этиш тўғрисидаги қлтимосини қондирди. Бош муҳаррир вазифасини бажариш бир овоздан 304-Жўш сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутати, Олий Кенгаш қўмитасининг котиби бўлиб ишлаган ҳамда район рўзномасининг курьерлигидан «Совет Ўзбекистони» республика рўзномаси бош муҳаррирининг ўринбосари вазифасигача бўлган йўлни босиб ўтган Намоз Саъдуллаев зиммасига юкланди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ваколатидаги масалалар навбатдаги сессияга киритилади.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Котибиятининг тузилишини такомиллаштиришга оид таклифлар ва бошқа баъзи масалалар муҳокама этилди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҲАМКОРЛИК НИЯТИДА

ОШХОБОД, 16 июль. Туркманинзорм—ТАСС). Бу ерда имзоланган ҳужжатлар янгиланаётган федерациялар манфаатлари йўлида суверен республикаларнинг бир-бирига яқинлашуви, туркман ва қирғиз халқлари дўстлиги робитасидаги янги давра бўлди. Туркманистон ССР Президенти С. А. Ниёзов билан Қирғизистон Республикаси Президенти А. А. Акаев 1991-1995 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва битимни имзоладилар.

ФОЙДАСИ БОЛАЛАРГА

В. И. Ленин номидаги Совет болалар жамғармаси Наманган бўлими вилоят марказидаги маданият саройида хайрия мақсадида биринчи кимошди савдосини ўтказди. Шаҳар ижроия комитети ажратган холодильниклар, телевизорлар, кир ювиш ва тикиш машиналари, бошқа харидоргир моллар кимошди қилиб сотилди.

Бир неча соатлик чаққон савдо натижасида 707-рақамли ҳисоб варақасига бир неча минг сўм пул тушди, бу пул муҳтож болаларга моддий ёрдам кўрсатиш, бошқа хайрия ишларини амалга ошириш учун сарфланади.

Бундай кимошди савдолари энди мунтазам ўтказиб турилади.

(ЎзТАГ мухбири).

• ФОТОКОНКУРС—91 •

«Бу йил ҳосил қандай бўларкин?». В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Фармон ва ижро

ҲЕЧ КИМ НОНГА ЗОРИҚМАЙДИ

Бағдод районидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида бу йил ғалла ҳосили мўл бўлиб, 400 тоннадан ортиқ дон ғарамлаб қўйилди. Йиғиштириб олинган ғалла жумҳурият Президентининг Фармонига мувофиқ аҳолига сотиляпти. Ҳозиргача қишлоқ меҳнаткашларига қариб 60 тонна буғдой ва арпа сотилди.

— Ғалла ҳосилдорлигини оширишда уруғчиликка эътиборни қаратаётганимиз фойдали бўлди, — дейди хўжалик бошқарувининг раиси Абдуқаҳҳор Абдусаматов. — Ҳар гектар майдондан 60-65 центнердан бошоқли дон ҳосили олдик. Энди аҳоли томорқаларида ҳам ана шундай юқори ҳосил етиштирилади. Биз уларни уруғлик билан таъминлаяпмиз. Ҳеч ким дон ва нонга зориқмайди.

Хўжалик марказидаги қишлоқ Қўштегирмон деб аталади. Бу бежиз эмас. Илгари қишлоқда кўплаб тегирмонлар ишлаб турган. Ҳозир ҳам уч тоштегирмон ишлашидан тўхтагани йўқ.

Шунингдек, жамоа хўжалигида мойжовуз ҳам бунёд этилди. Улардан қишлоқ меҳнаткашлари унумли фойдаланмоқдалар.

З. СУЛТОНОВ.

• Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон ССР ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий қоидаларини ва бу фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди. Қонун, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулки халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган нормаларига мувофиқ муҳофаза қилинишини таъминлайди, республика иқтисодиёти жаҳон иқтисодий системасига самарали равишда қўшилиши учун ҳуқуқий асос яратиб беради.

Ушбу Қонун ташқи иқтисодий алоқаларнинг барча турлари ва шаклларига, шу жумладан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликка, кадрлар тайёрлашга, ташқи савдо ва чегара савдосига, суғурта, банк, транспорт операцияларига, сайёҳликка ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги бошқа фаолиятга нисбатан амал қилади.

I БУЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Ташқи иқтисодий фаолият**

Ўзбекистон ССРнинг ташқи иқтисодий фаолияти деганда Ўзбекистон ССР давлат идораларининг, юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатлари тушунилади.

2-модда. **Ўзбекистон ССР ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъекти сифатида**

Ўзбекистон ССР тасарруфига:

ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг қонун асосларини белгилаш;

ташқи иқтисодий сиёсатни, шу жумладан валюта—кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон ССР валюта фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни ижро этиш;

Ўзбекистон ССР ҳудудидан ташқарида республикаларнинг, унинг юридик шахслари ва фуқароларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;

республика ҳудудида чет эллик инвесторлар фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни белгилаш;

Ўзбекистон ССР номидан халқаро иқтисодий ташкилотлар ва бирлашмаларда вакиллик қилиш;

Ўзбекистон ССР Конституциясидан келиб чиқадиган бошқа ваколатлар киради.

3-модда. **Ўзбекистон ССРнинг ССР Иттифоқи, бошқа иттифоқдош республикалар билан ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ўзаро муносабатлари**

Ўзбекистон ССР ўзининг ташқи иқтисодий сиёсатини Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қабул қилган қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил белгилайди, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар билан ташқи иқтисодий фаолиятни шартномалар ва битимлар асосида мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон ССР ташқи иқтисодий фаолиятни ягона валюта-молия системаси ва СССР бож қонунлари негизида амалга оширади.

4-модда. **Ўзбекистон ССРнинг чет давлатлар билан ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатларининг асосий қоидалари**

Ўзбекистон ССР ташқи иқтисодий фаолиятни:

барча давлатлар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг ўзаро манфаатлилиги;

томонларнинг тенглиги;

ташқи иқтисодий алоқалар бўйича шерикларнинг ички ишларига аралашмаслик;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан битимлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни ҳалол ва аниқ бажариш принципларига;

ҳамма томонидан эътироф этилган бошқа халқаро нормалар, қоидалар ва шартларга риоя этган ҳолда амалга оширади.

5-модда. **Ташқи иқтисодий фаолият объектлари**

Ҳамма турдаги ресурслар, халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва соҳаларида яратиладиган товарлар ҳамда кўрсатиладиган хизматлар, қимматбаҳо қоғозлар, фан-техника маҳсулотлари, интеллектуал ва бошқа бойликлар Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолиятнинг объектларидир, Ўзбекистон ССР ва СССР қонунлари билан ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланишман этиладиган объектлар бундан мустасно.

6-модда. **Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари**

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчилари сифатида рўйхатга олиниб, республика ҳудудида ёки унинг ташқарисида иш олиб бораётган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан ажнабий юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар Ўзбекистон ССР ташқи иқтисодий фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқалар субъектларини рўйхатга олиш тартиби Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Рўйхатга олишни рад этиш конкрет иқтисодий ёки бошқа ҳисоб-китоблар ва далиллар билан асослаб берилиши керак.

7-модда. **Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга соладиган қонун нормалари ва бошқа нормалар**

Ўзбекистон ССР ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун, Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун ҳужжатлари, ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган масалаларда СССР қонунлари, Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномалари ҳамда битимлари, шунингдек халқаро нормалар, қоидалар ва шартлар билан тартибга солинади.

8-модда. **Қорақалпоғистон МССРнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколатлари**

Қорақалпоғистон МССРнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколатлари Қорақалпоғистон МССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунлари билан белгиланади.

II. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

9-модда. **Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари**

Мулкчиликнинг шакллари ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг турларидан қатъий назар, ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир субъекти амал қилиб турган қонунлар доирасида ташқи иқтисодий алоқалардаги ўз иштирокининг турлари, шакллари ва йўналишларини мустақил белгилаши, ўз хоҳишига қараб ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши учун зарур бўлган юридик ва жисмоний шахсларни белгиланган тартибда шартнома асосида ёки бошқача тарзда ҳақ тўлаб ёхуд тўламасдан жалб этиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир субъекти Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятнинг натижаларига, шу жумладан чет эл валютасидаги даромадга эгалик қилишга, улардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақлидир. Унинг қарорига кўра ташқи иқтисодий фаолиятнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари қонунларда белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказилиши ёхуд уларга ишонч топширилиши мумкин. Ҳуқуқлар ана шу тарзда ўзгага ўтказилган тақдирда томонлар ўзаро муносабатларни шартномалар (битимлар) асосида тартибга соладилар.

10-модда. **Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг вазифалари**

Ташқи иқтисодий фаолият субъекти:

Ўзбекистон ССР ҳудудида амал қилиб турган қонун нормалари ва ўзга нормаларга, ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро нормалар ва қоидаларга риоя этиши;

белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини тақдим этиши;

халқаро ҳамкорлик доираларида бажарилаётган ишлар, қидирув ишлари ва лойиҳаларнинг санитария-гигиена, экология талаблари ва бошқа талабларга мувофиқлиги ҳақида экспертиза хулосасини олиши;

рўйхати Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ташқи иқтисодий фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши шарт.

11-модда. **Ўзбекистон ССР банкларининг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдаги иштироки**

Ўзбекистон ССРнинг тўлов балансини тартибга солиш, чет эл валютасидаги маблағларни жалб этиш ва жойлаштириш билан боғлиқ халқаро валюта-кредит ҳамда ҳисоб-китоб операцияларининг тартиби Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади.

Ўзбекистон ССР ҳудудида ташқи иқтисодий фаолият субъектларига хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоб-китоб-кредит, касса операциялари ва бошқа операциялар Ўзбекистон ССР Давлат банкининг лицензиялари бўйича ажнабий юридик ва жисмоний шахслар учун сўм билан юритиладиган ҳисоб рақамлари, совет фуқаролари учун эса валюта билан юритиладиган ҳисоб рақамлари очиш ҳуқуқига эга бўлган тижорат банклари, бошқа банклар ва банк муассасалари томонидан амалга оширилади.

12-модда. **Ўзбекистон ССР ва ССР Иттифоқи ҳудудидан ташқаридаги иқтисодий фаолият**

Ўзбекистон ССРнинг юридик шахслари ва айрим фуқаролари Ўзбекистон ССР ва ССР Иттифоқи ҳудудидан ташқарида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган корхоналар, шунингдек шўъбалар, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар барпо этишга ҳақлидирлар. Уларни очиш ва улар фаолиятини тўхтатиш тартиби Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан, шунингдек ҳудудида бу корхоналар иш олиб борадиган давлатнинг қонунлари билан белгиланади.

Ўзбекистон ССРнинг, унинг юридик шахслари ва фуқароларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бевосита ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш мақсадида хорижий давлатларда, халқаро ташкилотлар ҳузурида Ўзбекистон ССРнинг савдо ёки ўзга ваколатхоналари ёхуд СССРнинг савдо ёки бошқа ваколатхоналари ҳузурида республика ваколатхоналари таъсис этилиши мумкин. Бу ваколатхоналар ўз фаолиятида Ўзбекистон ССР қонунларига, ўзлари тўғрисидаги Низомга, шунингдек Ўзбекистон ССР ҳамда ваколатхона жойлашган давлатлар иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга амал қилади. Ўзбекистон ССРнинг чет элдаги ваколатхоналари тўғрисидаги Низомни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

13-модда. **Ўзбекистон ССР ҳудудида ажнабий субъектлар иштирокидаги ташқи иқтисодий фаолият**

Ўзбекистон ССР ҳудудида Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар, совет юридик шахслари ҳамда фуқаролари ва ажнабий юридик шахслар ҳамда фуқаролар иштирокида халқаро ташкилотлар тузилиши мумкин.

Чет давлатлар, фирмалар, банклар, халқаро ташкилотлар ҳамда ўзга юридик шахслар Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи ўз ваколатхоналарини, шўъбаларини ва ўзга тармоқ бўлинмаларини таъсис этишлари мумкин.

Уларни очиш ва улар фаолиятини тўхтатиш тартиби Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон ССРда эркин иқтисодий тадбиркорлик зоналари тузилиши мумкин. Бу тадбиркорлик зоналарида концессия шартномалари бўйича ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш шартлари Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади.

III. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

14-модда. **Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш шакллари**

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш:

ташқи иқтисодий фаолият субъектларини рўйхатдан ўтказишни;

табақалаштирилган солиқлар ва имтиёзлар системасини, шу жумладан валюта бўйича ҳам белгилашни;

ташқи иқтисодий фаолиятни ахборот билан таъминлашнинг давлат системасини яратишни;

айрим минтақалар, тармоқлар ва корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши ва ривожлантириши учун дотациялар, субсидиялар, субвенциялар, бюджетдан қарз бериш тарзида молиявий ёрдам кўрсатишни, таваккалчиликни, суғурта қилишни;

республика ташқи иқтисодий алоқаларининг турли шаклларини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, пул билан таъминлаш ва экспертиза қилишни;

СССР давлат чегараси орқали Ўзбекистон ССРга олиб келинадиган ва Ўзбекистон ССРдан олиб чиқиб кетиладиган товарлар ва бошқа мол-мулкларни ҳужжатлаштиришни;

маҳсулотни (ишларни, хизматларни) экспорт ва импорт қилиш тартибини белгилашни;

валюта ва бошқа фондлар маблағларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланишни ўз ичига олади.

15-модда. **Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасида давлат идораларининг ваколатлари ва масъулияти**

Ушбу Қонуннинг ижросини ташкил этишни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ваколатли давлат идоралари орқали амалга оширади.

Бу идораларнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари ва масъулияти амалдаги қонунлар билан белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хўжалик фаолиятига ҳокимият идоралари ва давлат бошқаруви идораларининг, шунингдек мансабдор шахсларнинг ўз ваколат доирасидан ортиқроқ даражада аралашувига йўл қўйилмайди.

16-модда. **Валюта билан ўз харажатларини ўзи қоплаш**

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг барча валюта харажатлари уларнинг валюта тушумлари, шунингдек чет эл валютасини олишнинг қонунларда рухсат этилган бошқа манбаларидан келган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ўз харажатларини валюта билан ўзи қоплаши улар иштирокида яратиладиган уюшмалар, консорциумлар ва бошқа бирлашмалар доирасида таъминлаши мумкин.

IV. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҚАФОЛАТИ ВА УЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

17-модда. **Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати**

Ўзбекистон ССР ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг қонуний манфаатлари таъминланишига кафолат беради.

Ўзбекистон ССРнинг давлат идоралари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузувчи ҳужжатлар қабул қилган тақдирда, уларга келтирилган зарар Ўзбекистон ССР қонунларига ва ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ суд тартибида шу идоралар томонидан ташқи иқтисодий фаолият субъектларига тўланади.

18-модда. **Ташқи иқтисодий фаолиятни тўхтатиб туриш ва тўхтатиш**

Ушбу Қонуннинг 6-моддасида белгиланган қўйилган субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолияти уларни рўйхатга олган идоранинг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан 6 (олти) ойгача муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР қонунлари бузилган, субъект синган ҳолларда ҳамда рўйхати Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа асосларга кўра субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолияти мустақил равишда ёки суд қарори билан тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда зарарни қоплаш тартиби Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш ҳақидаги қарор устидан суд тартибида шикоят берилиши мумкин.

19-модда. **Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг жавобгарлиги**

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон ССР жавобгар бўлмайди. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари Ўзбекистон ССР мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Шартнома мажбуриятларига риоя этмаган тақдирда ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъектлари қонунларда ва тузилган шартномаларда кўзда тутилган мулкий ва бошқача жавобгар бўладилар.

Шартнома талабларини бузганлик учун жарималарни тўлаш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш айбдор томонни мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди, башарти қонунда ёки шартномада ўзга ҳол назарда тутилмаган бўлса.

20-модда. **Низоларни ҳал этиш**

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш натижасида келиб чиқадиган низолар судлар томонидан Ўзбекистон ССР қонунларида ва ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

21-модда. **Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Ушбу Қонуннинг ва ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларини бузганлик учун айбдорлар Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ гражданлик-ҳуқуқий, маъмурий тартибда ва жиноий жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри. 1991 йил 14 июнь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

«Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунни рўёбга чиқаришни таъминловчи қарорлар қабул қилсин;

амалдаги қонунларни «Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мослаштириш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритсин;

шу йилнинг 1 сентябрига қадар Ўзбекистон ССР ҳукуматининг қарорларини «Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мослаштирсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ҲАҚИДА

Тарих ва маданият ёдгорликлари халқнинг мулки бўлиб, унинг жаҳон маърифатини ривожлантиришга қўшган ҳиссасидан далолат беради, илм-фанни, халқ таълимини ва маданиятни ривожлантиришга, ватанпарварликни, маънавий ва эстетик тарбияни шакллантиришга кўмаклашади. Бу ёдгорликлар емирилса, уларнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Аммо тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида амалдаги қонунлар унчалик самарали эмас. Ҳамма жойда ёдгорликларнинг емирилиши давом этмоқда, уларни ошкора оёқ ости қилиш ҳоллари учраб турибди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Кенгаши тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида **қарор қилади:**

1-модда. Тарих ва маданият ёдгорлигини қасддан йўқ қилиш, вайрон этиш ёки бузиш, —

5 минг сўмгача жарима солиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этиш ёхуд уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тарих ва маданият ёдгорлигини қасддан йўқ қилиш ёки вайрон этиш такрор содир этилса ёки оғир оқибатларга олиб борса, —

саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

2-модда. Эҳтиётсизлик натижасида тарих ва маданият ёдгорлиги бузилса ёки йўқ қилинса, бундан оғир оқибатлар келиб чиқса — уч минг сўмгача жарима солиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш ёхуд икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

3-модда. Тарих ва маданият ёдгорлиги бениҳоя беҳаёлик билан таҳқир этилса —

уч минг сўмгача жарима ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш билан жазоланади.

4-модда. Ушбу Қонуннинг 1 ва 2-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан дастлабки тергов прокуратура идораларининг терговчилари томонидан, 3-моддада кўзда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан дастлабки тергов ички ишлар идораларининг терговчилари томонидан амалга оширилади.

5-модда. Ушбу Қонуннинг 3-моддасида кўзда тутилган белгиларсиз тарих ва маданият ёдгорлигини таҳқирлаш, —

юз сўмдан 500 сўмгача миқдорда жарима солиш тарзида маъмурий жазо берилишига сабаб бўлади.

6-модда. Тарих ва маданият ёдгорликларининг ҳолатига хавф солиши мумкин бўлган қурилиш, мелиорация, йўл ишлари ва бошқа турдаги ишлар ёдгорликларни муҳофаза қилувчи тегишли давлат идоралари билан келишилмай ҳамда мазкур идоларларнинг кўрсатмасига биноан ёдгорликларни аниқлаш, ҳужжатлаштириш ва сақлаб қолиш юзасидан эҳтиёт тадбирларини амалга оширмай ўтказилса; ёдгорликларни муҳофаза қилиш зоналарида ёдгорликларни муҳофаза қилувчи тегишли давлат идораларининг ижозатисиз ер қазиш-қурилиш ва бошқа ишлар ўтказилса, шунингдек, мазкур зоналарда хўжалик фаолияти билан шуғулланилса; тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи тегишли идораларнинг қоидабузарликни тугатиш ва ёдгорликларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги фармойиши бажарилмаса, —

мансабдор шахслар огоҳлантирилади ёки уларга юз сўмдан беш юз сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жазо берилади.

Маъмурий жазо қўлланилгандан кейин такроран мана шундай ҳаракат содир этилса, —

мансабдор шахсларга беш юз сўмдан бир минг сўмгача миқдорда жарима солиш тарзида маъмурий жазо берилади.

7-модда. Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилишнинг ушбу Қонун 5 ва 6-моддаларида кўрсатилганидан ташқари бошқа қоидалари фуқаро ва мансабдор шахслар томонидан бузилган тақдирдаги маъмурий жавобгарлик республикаларнинг қонунларида белгилаб қўйилади.

8-модда. Ушбу Қонуннинг 8-моддасида кўзда тутилган қоидабузарлик учун идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хизмат вазифасига кўра тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш қоидалари бажарилишини таъминлаши лозим бўлган мансабдор шахслари жавобгар бўладилар.

9-модда. Ушбу Қонуннинг 5-6-моддаларида кўзда тутилган қоидабузарлик тўғрисидаги протоколлар ёдгорликларни муҳофаза қилувчи давлат идораларининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан, шунингдек, милиция ходимлари ҳамда тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятларининг жамоатчи инспекторлари томонидан тузилади.

10-модда. Фуқароларнинг тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қоидаларни бузганликлари тўғрисидаги ишлар халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район, қўрғон ва қишлоқ Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар ва қўрғон, қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари томонидан, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидалари мансабдор шахслар томонидан бузилганлиги ҳақидаги ишлар эса шахсан халқ судьялари томонидан кўриб чиқилади.

11-модда. Мансабдор шахсга ёки фуқарога нисбатан маъмурий жазо ёки жиноий жазо берилиши айбдорни тарих ва маданият ёдгорлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан халос қилмайди.

Тарих ва маданият ёдгорлигига етказилган зарарнинг ҳажми унинг тарихий, илмий, бадиий ва маданий қийматини, шунингдек, таъмирлаш, тиклаш ишларининг қийматини ҳисобга олиб белгиланади.

Ёдгорликнинг қийматини ва унга етказилган зиённинг ҳажмини аниқлаш услуби СССР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

12-модда. Ушбу Қонун маъносида тарих ва маданият ёдгорлиги деганда алоҳида тарихий, бадиий, илмий ва бошқа маданий қийматга эга бўлган ҳамда тарих ва маданият ёдгорликларининг давлат рўйхатларида қайд этилган моддий маданият иншоотлари рўйхатларида қайд этилган моддий маданият иншоотлари уларни тарих ва маданият ёдгорликлари сифатида давлат ҳисобига қабул этиш тўғрисидаги масала ҳал этилгунга қадар улар ҳам Ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза этилиши лозим.

13-модда. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг 1958 йил 25 декабрдаги СССР Қонуни билан тасдиқланган жиноят қонунлари асослари 7-моддасининг иккинчи қисми (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1959 йил, 1-сон, 6-модда); 1972 йил, 22-сон, 176-модда; 1973 йил, 11-сон, 157-модда; 1974 йил, 18-сон, 275-модда; 1983 йил, 51-сон, 784-модда; 1987 йил, 28-сон, 437-модда; 1988 йил, 10-сон, 152-модда; 1989 йил, 15-сон, 106-модда) «Айбни оғирлаштирувчи вазиятларда наркотик моддаларни талон-тарож қилганлик, шунингдек, уларни сотганлик ёки сотиш мақсадида шундай моддаларни талон-торож қилганлик, тайёрлаганлик, сотиб олганлик, асраганлик, ташиганлик ёки юборганлик» сўзлари «Тарих ва маданият ёдгорлигини такрорий равишда ёхуд оғир оқибатларга олиб борадиган тарзда қасддан йўқ қилганлик ёки бузганлик» сўзлари билан тўлдирилсин.

14-модда. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузишлар тўғрисидаги 1980 йил 23 октябрь Қонун асослари 14-моддасининг иккинчи қисми (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1980 йил, 44-сон, 909-модда; 1987 йил, 22-сон, 312-модда; 1988 йил, 31-сон, 506-модда; СССР халқ депутатлари Съездининг ва СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1990 йил, 15-сон, 247-модда; 45-сон, 953-модда) «Жамоат тартибига қасд қилиш билан боғлиқ бўлган тартиббузарлик учун» сўзларидан кейин «шунингдек, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун» сўзлари билан тўлдирилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1991 йил 2 июль.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ҲАҚИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик ҳақида»ги СССР Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. СССР Вазирлар Маҳкамасига барча монументал санъат ёдгорликларини рўйхатга олиш ишларини 1992 йил 1 июлгача тугаллашни таъминлаш топширилсин.

3. СССР Олий Кенгашининг «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги 1977 йил 17 февраль Фармони (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1977 йил, 8-сон, 141-модда) ва «СССР Олий Кенгаши Раёсатининг амалдаги СССР қонунларига баъзи ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритувчи фармонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1977 йил 17 июнь СССР Қонуни (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1977 йил, 25-сон, 389-модда) мазкур Фармонни тасдиқлаш қисми; СССР Олий Кенгаши Раёсатининг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги СССРнинг баъзи қонун ҳужжатларини ўзгартириш ҳамда улар ўз кучини йўқотди деб тан олиш ҳақида»ги 1982 йил 8 сентябрь Фармонининг 6-моддаси (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1982 йил, 37-сон, 698-модда) ўз кучини йўқотди, деб ҳисоблансин.

4. Республикаларнинг Олий Кенгашларига республикаларнинг қонунларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириб олиш тавсия этилсин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 2 июль.

• ҲОСИЛ—91 •

ЁЗГИ ҲАРАКАТ—КУЗГИ БАРАКАТ

● Ғўза парваришида саратоннинг ҳар они ғанимат.

● Экинларга ҳужум қилувчи барча ҳашарот ва зараркунандаларга қирон келтиринг!

● Чилла суви—тилла суви, дейдилар. Ҳақ гап. Зеро сув — экиннинг қони, унга малҳам, гавҳар ҳисобланади. Айниқса ниҳолларни тунги суғоришга эътиборни кучайтириш муҳимдир.

● Ғўза баргини чилпишни қисқа муддатларда сифатли ўтказайлик.

● Айни кунларда боғ-роғларда, далаларда етилган мева ва сабзавотларни вақтида йиғиштириб олиб, эл дастурхонини тўкинлаштирганлар барака топади.

КЎНГЛИ ТЎҚНИНГ ИШИ УНУМЛИ

Тунги репортаж

Тун. Янги чархланган ўроқдек ярақлаб турган ой кўк гумбазида якка ўзи кезиб юрибди. Атроф жим-жит. Пайкал бошидаги ҳовузчадан «шарбат» қайнаб чиқяпти. Ўқариқдан тўғри эгатларга тараляпти. Осудаликни фақат сувнинг шилдираши бузиб, қулоққа ором бағишлайди. Буни кузатиб турган сувчи Қобил Тўлаганов беҳад шод. Ахир қувонмай бўладими? Бинобарин унинг ғайрат-шижоати билан сув ичган, «шарбат»га қонаётган ғўзалар кун сайин, тун сайин яшнамоқда. Ҳосил тугунчалари кўпаймоқда.

— Сув — экиннинг қони ғўзага малҳам, гавҳар дейишади,— дейди Қобилжон кетмонни бир четга қўя туриб. — Ҳақ гап. Ғўза қанчалик меъёрида суғорилса, у шунчалик яхши ривожланади. Олимларимизнинг, омилкор деҳқонларимизнинг айтишларича, ерда нам етарли бўлган тақдирдагина ғўза тупроқдаги озуқа моддаларидан, ёруғлик ва иссиқликдан тўла баҳра олади. Зеро экин ҳосилдор бўлиб ўсади. Ғўзалар қийғос гулга кирган ҳозирги даврда бунинг аҳамияти катта. Агар вақтида суғормасак, гулини тўкиб юбориши, ҳосилни бой бериб қўйишимиз тайин.

— Сиз суғоришда асосан нималарга эътибор берасиз, — сўраймиз ундан.

— Ғўзани суғориш — омилкорлик талаб қиладиган нозик иш. Қўллатиб юбормаслик учун салафан қоғозлардан фойдаланиб, жилдиратиб оқизишга ҳаракат қиламан. Кўриб турганингиздек, тунги суғориш экинга ижобий таъсир этади. Чунки бу пайтда сув парланиб кетмайди, балки ғўза илдизига чуқур сингийди.

— Буни қаранг, деди шу пайт ёнимизга етиб келган бригада бошлиғи Бегали Тўлебоев барқ уриб ўсаётган ғўзаларга ишора қилиб. — Ҳар бири бамисоли келинчакдек ясаниб-тусаниб олганга ўхшайди. Ғуж-ғуж шоналари қизларнинг қирқ кокилини, қизил, сариқ, ним пушти гуллар қулоғидаги исирғасини эслатади. Шулардан шода-шода кўсаклар, хирмон-хирмон «оқ олтин» пайдо бўлади-да.

Умуман бу йил чакки ишламаяпмиз, чоғи. Ҳозиргача тўрт марта комплекс ишлов берилган, минерал ва маҳаллий ўғитларга қондирилган ғўзаларимиз мана энди белга уриб қолди. Вақтида суғориб, культивация ўтказиб турсак, ҳосил нишоналарини тўла сақлаб қола оламиз. Минерал ўғит беришни тўхтатганимиз яхши бўлди. Чунки бундан буёғи минерал ўғит ғўзага фойда бермайди, аксинча зарар етказади. Ғовлаб кетган ғўзадан не фойда? Энди фақат мумкин қадар тунда суғорган маъқул. Суғорилганда ҳам «шарбат» оқизишда ҳикмат кўп...

Бригада етакчисининг айтишича, жамоа аъзолари бу йил 96 гектар ерда ғўза, 15 гектар ерда каноп ўстиришаётган экан. Жамоанинг нияти — ҳар гектар майдондан режадаги 26 центнер ўрнига 27 центнердан пахта, 245 центнердан каноп ҳосили олиш. Шу мақсадда ҳозир тунги суғоришга эътибор кучайтирилмоқда. Моҳир сувчилар Қобил Тўлаганов билан Муса Ҳотамқулов бир кеча-кундузда 2—3 гектардан майдонга обиҳаёт тарамоқдалар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида бундай ишбилармон, ўз касбининг устаси бўлмиш деҳқонлар талайгина. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки хўжаликдаги анчагина майдонлар ижарачиларга бўлиб берилган. Улар ердан қандай фойдаланишни ва ҳосилдорликни ошириш сирларини яхши билишади. Масалан, Умар Сайдалиевни олайлик. У ўтган йили 4 гектар ерда деҳқончилик қилди. Пахта ҳосилини эса гектар ҳисобига 40 центнердан оширди. Ялписига 16 тонна «оқ олтин» топширди. Эвазига 14198 сўм даромад қилди. Шу даромаднинг ярмидан зиёдроғини турли ҳаражатларга сарфлади. Яъни техника, ўғит, ёнилғи-мойлаш материлларига, ҳар ойда олиб турган аванс пулига 8792 сўм ушлаб қолинди. Қўлига эса 5406 сўм санаб олди. Ҳайриддин Отаев, Мавжуда Аширова сингари ижарачилар ҳам чакки ишлашмади. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Бу миришкорлар жорий йилда ҳам астойдил тер тўкишяпти. Демак, манфаатдорлик бор жойда муваффақият ҳам келаверараркан.

Жамоа хўжалиги бошқаруви идорасига етиб келганимизда бизни раис Қаюм Деҳқонов кутиб олди. У хўжаликда кейинги йилларда амалга оширилган ишлар ҳақида тўлқинланиб гапириб берди.

— Кейинги йилларда хўжалигимизда одамлар турмушини яхшилаш учун бирмунча тадбирлар ишлаб чиқилди,— дея сўз бошлади хўжалик раиси.— Аввалambор бундан тўрт йил аввал меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижара усулига ўтдик. Харажатлар чек усули билан ҳисобкитоб қилинади. Шу боис атиги бир йил ичидаёқ харажатларни 36,5 фоизга қисқартиришга муваффақ бўлдик.

Бу усулнинг яна бир афзаллиги шундаки, 1986 йилда хўжалик бўйича 636 киши далага чиқиб ишлаган бўлса, ҳозир улар сони 1150 кишидан ошиб кетди. Агар беш йил бурун деҳқончилик майдонларимиз 1620 гектарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда экин майдонларимиз 1564 гектарни ташкил этмоқда. Ёки 56 гектар ер жамоа хўжалиги аъзоларига томорқаларини кенгайтириш ва уй-жой қуриш учун берилди.

Ўтган беш йил мобайнида хўжалигимизнинг даромади ҳам кўпайиб борди. Масалан, 1986 йилда уч миллион 520 минг сўм умумий даромад қилиниб, шунинг 583 минг сўмини соф фойда ташкил этган бўлса, ўтган йил якуни бўйича 5 миллион 145 минг сўм умумий даромад олинди. Соф фойда эса 1 миллион 112 минг сўмдан ошди.

Хўжалигимизда одамларнинг ерга, меҳнатга қизиқиши ортди. Шу боис одамларнинг даромади ҳам кўпаймоқда. Бундан беш йил аввал ҳар бир жамоа аъзосининг ўртача ойлик иш ҳақи 190 сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 370 сўмга тўғри келди.

Кейинги пайтларда ҳақиқий маънода тақдиримиз ўз қўлимизда эканлигини ҳис этдик. Юқори ташкилотлар ёрдам беришига кўз тикиб ўтирадиган бўлсак, халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга эриша олмай қолардик. Кўпгина тадбирлар амалга оширилгани туфайли ҳозирги пайтда давлатдан ҳеч қандай қарз олмай ишлаб келяпмиз. Хўжалигимизнинг иқтисодий аҳволини яхшилашимиз натижасида деҳқонларнинг моддий ва маънавий шароитлари ҳам яхшиланиб қолди.

Раис ҳақ гапни айтди. Ҳақиқатан ҳам қўл қовуштириб ўтираверилса, эришилган натижалар одамларнинг тушига ҳам кирмасди. Фақат мўмайгина даромадга эришиш туфайли яхши ниятлар амалга ошиши мумкин, Айтайлик, хўжаликда узоқ йиллар ишлаган одамларга ҳамда 25 нафар янги оилага уйжой қуриб берилгани ана шу ғамхўрлик ифодасидир. Бундан ташқари, бу ерда ижтимоий бинолар қуришга эътибор берилди. Масалан, поликлиника, иккита участкада қариялар чойхонаси, 240 ўринли болалар боғчаси бунёд этилди. 12 километрлик асфальт йўл қурилди. 35 минг сўмлик чорвачилик фермаси фойдаланишга топширилди. Хўжаликдаги хонадонларнинг 80 фоизи газлаштирилган ва ичимлик сув билан таъминланган.

Лекин элимизга бозор иқтисодиёти жадал суръатлар билан кириб келаётган ҳозирги пайтда ўзбек деҳқони турмушида бундан зиёдроқ ўзгаришлар қилишга тўғри келади. Шу муносабат билан жамоа аъзоларининг ойлик маоши 40 фоизга оширилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Масалан, жумҳуриятимиз Президентининг Фармонига кўра аҳолига қорамол, қўй-эчки сотиш давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда хўжалик аъзоларида 648 бош қорамол бор. Шахсий хўжаликлардаги ана шу қорамолларга ем-хашак етказиб беришга ҳаракат қилиняпти. Ҳар бир қорамол ҳисобига 500 килограммдан дағал хашак берилиши кўзда тутилган. Ҳозиргача 250 тонна қуруқ хашак тарқатилди.

Яқинда республикамиз Президенти «Республика қишлоқ аҳолисини овқат учун дон (буғдой) билан таъминлашга доир қўшимча чоралар тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу қишлоқ меҳнаткашларига ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир. Бир кило гуруч фалон пул бўлиб турган ҳозирги шароитда хўжалик маъмурияти одамларга гуруч тарқатиш борасида муҳим ишларни амалга оширмоқда. Бундан ташқари аҳолига ун, пахта ёғи, картошка, пиёз, гўшт тарқатиш давом этаётир.

Қувончли томони шундаки, давлат талони билан олиб турилганидан ташқари аҳолини гўшт билан таъминлаш мақсадида шу йилнинг 1 июлидан 1989 йилда туғилган буқачалардан 16 боши бўрдоқига боқувга қўйилди. Ундан ташқари ижарачилар қўлидаги 13 бош буқача ҳамда хўжалик фермасида бракка чиқарилган сигирлар ҳисобига аҳолини гўшт билан таъминлаш яхшиланади.

Хўжаликда бу йил буғдой етиштирилмаганлиги сабабли қўшни хўжаликлардан 200 тонна буғдой сотиб олиб аҳолига тарқатиш кўзда тутилди. Хўжаликнинг ўзида эса шу йил кузда 130 гектарлик каноп майдонига буғдой сепиш кўзда тутилган. Шунинг ҳисобига аҳолига келгуси йил ўзларида етиштирилган буғдойдан беришмоқчи.

Хўжаликда аҳоли даромадини ошириш, ишсизликни бартараф этиш учун аниқ режалар асосида бир қатор тадбирлар ҳам амалга оширилаётир. Шу мақсадда хўжалик ҳудудида пахта пункти қурилмоқда. Бу пункт 1 сентябрда қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилади. Шу билан 50 киши иш билан таъминланади. Ноябрь ойигача эса бир гектарлик иссиқхона фойдаланишга топширилиши натижасида яна 24 киши иш билан таъминланади.

Бу йил хўжалик бўйича 900 гектар майдонга чигит экилиб, ҳозир ғўзалар меҳр билан парваришланмоқда. Мўлжал — 32 центнердан ҳосил олиш. Демак, даромад ҳам ёмон бўлмайди. Масалан, миришкорлар бу йил 8 миллион 200 минг сўм даромад олишни кўзлаб туришибди. Даромадга яраша — буромад, деганларидек, ана шу маблағ ҳисобига 40 кишилик ҳаммом, минг тонна маҳсулот сақлаш мумкин бўладиган омборхона, 320 минг сўмлик иссиқхона қурилмоқда. 5 километрлик газ қувурлари ўтказиш учун 120 минг сўм пул ажратилди.

Демак, хўжалик аъзоларининг эртанги кундан умидвор бўлишларига асос бор. Шу боис улар ҳам астойдил меҳнат қилиши турган гап. Зеро, кўнгли тўқнинг — иши унумли, дейишлари бежиз эмас экан.

Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Сирдарё вилоятининг қўрик Ильич районидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалиги боғбонлари бу йил боғлардан мўл ҳосил кўтармоқдалар. Уларнинг нияти — эл дастурхонига 45 тоннадан зиёд мева етказиб бериш.

Айни кунларда боғ-роғларда пишиқчилик. Юнус Қурбонов етакчилигидаги бригада аъзоларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар етилиб пишган ширин-шакар шафтолиларни тезкорлик билан узиб олиб, эл дастурхонига жўнатишмоқда. Бу борада Манзура Худоёрова ва Машкура Абдуҳамидова сингари чаққон қўлли чеварлар кўпчиликка ибрат бўлишмоқда.

Суратда: бригада етакчиси Юнус Қурбонов илғорлардан Манзура Худоёрова ва Машкура Абдуҳамидовалар билан терилган меваларни кўздан кечирмоқдалар.

У. ҚУШВОҚОВ
туширган сурат.

ОМБОР ТЎЛСА ДОНГА, ИҚТИСОДИЁТ ТУРАР ОЕҚҚА

Маълумки, кейинги йилларда давлат заҳираси учун дон харид қилиш аҳволи кескинлашди. Натижада мамлакатимизнинг бир қанча минтақаларида аҳолини нон билан, саноат негизига кўчирилган чорвачиликни эса омухта ем билан таъминлаш чигаллашиб кетди. Бунинг сабаблари маълум. Бир қанча иттифоқдош жумҳуриятларда сотиш учун дон етиштириш камайди. Боз устига дон тайёрлаш интизоми бўшашиб кетди. Маҳаллийчилик йўл қўйиб бўлмайдиган даражада авж олди. Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, мамлакатнинг дон ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятларини анча чеклаб қўйди. Оқибати эса аён — валюта маблағлари етишмаётган ҳозирги шароитда биз хориждан тобора кўпроқ миқдорда дон сотиб олишга мажбур бўлмоқдамиз. Бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётига оғир юк бўлиб тушмоқда.

Хўш, аҳолини нон маҳсулотлари билан, чорвачиликни омухта ем билан қандай қилиб ишончли ва узлуксиз таъминлаш мумкин? Мамлакат ҳукумати бу борада қандай чора-тадбирлар кўрляпти? Яқинда СССР Вазирлар Маҳкамаси «1991 йил ҳосилидан давлат ресурсларини вужудга келтиришда Иттифоқ ва республика идораларининг келишиб ҳаракат қилишини таъминлаш чоралари тўғрисида» муҳим бир қарор қабул қилдики, у аҳволни ўнглаб олишга умид туғдиради.

Қарорга биноан СССР ҳукумати давлат дон ресурсларини вужудга келтиришда Иттифоқ ва республика идораларининг келишиб ҳаракат қилиши жуда муҳимлигини ҳисобга олиб, бу йилги ҳосилдан 77 миллион тонна ҳажмда дон харид қилишни таъминлаш учун жумҳуриятларнинг ҳукуматларига ҳамда СССР Озиқ-овқат ресурсларини харид қилиш давлат комитетига биргаликда узилкесил чоралар кўришни (шу жумладан, қўшимча контракция шартномаларн тузишни) топширди.

ССР Иттифоқи билан иттифоқдош жумҳуриятларнинг 1991 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси етказиб бериш масаласига доир иқтисодий битимида ана шу кўрсаткич кўзда тутилган. Хуллас, эндиликда давлат ресурсларига, шу жумладан, Умумиттифоқ фондига дон етказиб бериш давлат буюртмасини бажариш мажбурийдир. Мабодо, биронбир жумҳурият битимда кўзда тутилган ҳажмда дон етказиб беришни бажармаса, Умумиттифоқ фондидан ушбу республикага компенсация тўланмайди.

Айни пайтда қарорда давлат буюртмасини бажаришни рағбатлантирувчи омиллар ҳам кўзда тутилган. Яъни, жумҳуриятларнинг ҳукуматларига давлат буюртмасига қўшимча равишда дон сотганлиги учун уларга енгил автомобиллар, холодильниклар, кир ювиш ва тикув машиналари, трикотаж ва тикув буюмлари, чарм пойабзал, бинокорлик материаллари, кўмир ҳамда бозор фондлари бўйича сотиш учун мўлжалланган бошқа халқ истеъмоли молларининг бир ойлик меъёрини давлат улгуржи ва чакана нархларида сотиш учун 1991 йил 1 октябргача юбориш тавсия этилди. Шу билан бирга колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари давлат буюртмасини тўла ҳажмда бажарганларидан сўнг 1991 йил дон ҳосилини истеъмол бозорида эркин сотишлари мумкин.

МУШТАРИЙ:

...хабар беради

ТИББИЁТ МАРКАЗИ

Келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларни маънавий баркамол ва соғлом кишилар қилиб тарбиялаш барча партия, совет ташкилотлари, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг муқаддас бурчидир. Бу борада Ульянов районидаги «Партия XX съезди» давлат хўжалигида ибратли ишлар амалга оширилянти. Яқинда хўжалик марказида 120 ўринли болалар тиббиёт маркази фойдаланишга топширилди.

Марказни бунёд этишда «Каршистрой»нинг «Мелиострой» трести 33-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари жонбозлик кўрсатишди. Қурилишга 320 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Бу шифо маскани бир йўла 150 нафар беморни қабул қилади. 15 нафар шифокор, 54 нафар ўрта тиббиёт ходими болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатади.

Ж. ЮСУПОВ,
Қашқадарё вилояти.

... танқид қилади

ТАЪМИРЛАШ ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?

Зомин районидаги Тимирязев номли 49-саккиз йиллик мактабда таъмирлаш ишларига ёзги таътил бошланган бўлишига қарамай ўқувчилар жалб қилинган. Синфхоналар деразалари, парта, стол-стуллар синиқ. Меҳнат таълими биноси эса қулай-қулай деб турибди. Ошхонанинг томи илма-тешик.

Ажабланарлиси шундаки, мактаб биноси ва синфхоналарини таъмирлаш учун ўқувчилардан 5 сўмдан пул тўпланди. Шунга қарамай, таъмирлаш суст.

Райондаги Э. Холиқов номли 12-ўрта, Большевик номли 26-ўрта мактабларда ҳам таъмирлаш ишлари ўлда-жўлда. Зомин райони халқ таълими бўлими бу камчиликларни тезда бартараф этади, ўқувчи-ёшлар янги ўқув йилини озода, замонавий ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган синф хоналарида бошлайдилар, деб умид қиламиз.

И. ЮНУСОВ,
Жиззах вилояти.

* * *

Шунингдек, рўзномамизга муштарийлардан Т. Сулаймонов, Ш. Ҳайитбоев, А. Алиев, И. Эшжонов, Н. Абдусаид, Э. Шаропов, Ғ. Исроилов, Н. Абдуназаров, Б. Жуманов, А. Алиматов, И. Ивахина, Я. Сатторов, К. Сирожиддинов, А. Ҳаитов, Х. Абдалов, Ҳ. Хушбоқов, Б. Тошев, Ш. Аслонов ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

ШИФОКОР ҲИММАТИ

Вилоят эндокринология шифохонаси биологик текширув лабораториясининг мудири Асад Рўзиев ташаббус кўрсатди.

У ўзи истиқомат қилаётган Қарши шаҳридаги Собир Раҳимов маҳалласига қарашли Комсомол кўчаси, 11-уйда тиббиёт маскани ташкил этди.

— Бу ишга ҳаёт мажбур қилди, — дейди А. Рўзиев. — 3-поликлиника маҳалламиздан анча олисда. Одамлар қатнаб, қийналишарди. Кўчадан эшик очиб уйимиздаги бир хонани шифохонага ажратдим.

Бу ерда 3-поликлиника шифокорлари белгилаб берган муолажа бўйича даволаш ишлари амалга оширилади.

Бундан ташқари Шарқ табобати анъаналари асосида нуқталарни топиб уқалаш, шифобахш тоғ гиёҳларидан шарбатлар тайёрлаб бериш, уйга бориб даволаш ҳам йўлга қўйилган.

Маҳалла шифохонасида поликлиника шифокорлари ҳам ҳафтада икки марта навбатчилик қилишаётир. Бу тиббиёт масканини улуғ ҳаким Ибн Сино номи билан аташди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Коммунист мулоҳазаси*

КЕЛАЖАК КЎРСАТАДИ

Бир неча кундирки матбуотда ҳам, радио ва телевидениеда ҳам «Демократик ислоҳотлар учун» деган янги ҳаракатни ташкил этиш борасида жиддий иш олиб борилаётгани, бу ҳаракатнинг таъсис съездига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ташкилий комитет тузилгани ҳақида хабарлар, ушбу ҳаракат тўғрисида кишилар билдираётган турли хил фикр-мулоҳазалар бериляпти. Хўш бу ҳаракатнинг мақсади ва моҳияти қандай?

Очиғини айтганда бу «ҳаракат» халқ орасида хайрихоҳликдан кўра кўпроқ ташвиш билан кутиб олинмоқда. Бунинг сабаби бор албатта. Мамлакатда демократия ва ошкоралик вужудга келиб, халққа тўла эркинлик берилгач, ёмғирдан кейин бодраб чиққан қўзи қориндек турли хил ҳаракатлар, уюшмалар, партиялар пайдо бўлди. Гарчи уларнинг ҳаммаси ҳам Ҳаракат дастурида халқ манфаатини биринчи навбатга қўяётган бўлсаларда, амалда эса халқ бир ёқда қолиб, ҳокимият учун кураш уларнинг асосий мақсадига айланаётир. Элнинг ҳоли эса маълум. Кун кечириш кун сайин оғирлашиб боряпти. Иқтисод ночор, нарх-наво осмонда, бор пулингга ҳам ўзингга керакли нарсани тополмайдиган давр ҳозир. Қўл ўрнига тил ишлагандан кейин ҳар қандай тўнин дастурхон ҳам кўп ўтмай бўшаб қолиши ҳеч кимга сир эмас. Мана шу ташвишлар истаса ҳам, истамаса ҳам одамларни қаттиқ ўйлатиб қўйишга, чуқур мулоҳаза қилишга мажбур этяпти.

Хизмат вазифам хўжалик парткоми котиби бўлгач кунни далаларда, фермаларда одамлар орасида ўтказишга тўғри келади. Мана шундай мулоқотлар пайтида кишилар тўғридан-тўғри сиёсатдаги янгиликлар ҳақида саволлар беришяпти. Кечаги куни дала шийпонида менга шундай деб мурожаат қилишди:

— Сен оддий партком котибигина эмас, КПСС Марказий Комитети аъзоси, сиёсатда оқ-қорани яхши тушунадиган одамсан. Эшитишимизча «Демократик ислоҳотлар ҳаракати» пайдо бўлибди. Ҳатто халқ депутатлари ҳам уни ёқлаб чиқаётган эмиш. Қани айтчи, халқ бу «Ҳаракат»дан қандай наф кўради? Унинг мақсади нима, нима қилмоқчи у? Шуни бизга яхшилаб тушунтириб бер.

Ишончим комилки, ҳозир ҳар бир партия ходимига кўпдан кўп ана шундай саволлар бериляпти. Мен «демократик ислоҳотлар ҳаракати» ташаббускорларининг мурожаатини ғоят синчиклаб ўқиб чиқдим. Тўғри, унда қўшилса бўладиган яхши-яхши фикрлар ҳам бор. Аммо мурожаатда шундай қалтис фикрлар ҳам борки, уни ўқиган одам албатта янги «Ҳаракат» ташаббускорларининг асл мақсади ва нималарни кўзлаганини, ана шу «ҳаракат»нинг моҳияти нималардан иборат эканлигини жуда тез тушуниб олади.

Менинг диққатимни ҳаракат ташаббускорларининг мурожаатидаги: мамлакат ёки туб қайта ўзгартишлар йўлидан, инсоннинг том маънодаги эркинлиги йўлидан бориб фаровонлик учун амалий қадамлар ташлайди. Ёки ўз имтиёзларини йўқотган, тараққиёт ва эркинликни кўролмайдиган кучларнинг исёнига олиб келади, янги диктатура вужудга келади. Эски тартиблар тикланади, камбағаллик авжга чиқади. Умуммиллий фожиа аниқ бўлиб қолади, деган мазмундаги жумлалар тортди.

Сирасини айтганда бир неча йилдирки халқимиз эскича тартибларнинг тикланишини, қўрқув ва турли хил зўравонликларни қатъиян рад этди. Энди бунга ҳеч ким йўл ҳам қўймайди. Ўзбекистонда эса жамиятни эскиликка қайтарадиган кучлар умуман йўқ, деб ишонч билан айтиш мумкин. Чунки халқ кимга ишонишни, қандай кучларга эргашишни, ким қайси томонга бошлаётганини жуда яхши тушуниб олган. Унинг республика Компартиясига ишончи катта. Фақат ана шу партиягина халқ манфаатини ҳимоя қилишини, унинг бутун фаолияти меҳнаткаш халқнинг моддий турмуш шароитини яхшилашга қаратилганлигини тўғри англаб олган.

Демократик ҳаракат ташаббускорларининг мурожаатида акс эттирилган: инсоннинг маънавий, иқтисодий ва сиёсий эркинлиги, унинг ижтимоий ва иқтисодий муҳофазаланиши, парламентли республикалар, қонунчилик ва ҳуқуқ учун кураш, туб иқтисодий қайта ўзгартишлар, фуқароларни ўз мамлакатининг ҳақиқий хўжайинига айлантириш, миллий ҳамкорлик, давлатимизнинг эркин ва суверен халқлар иттифоқи бўлиб қолиши учун унинг тарихий ўзагини сақлаб қолиш, экстремизм, шовинизм ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига сира ҳам йўл қўймаслик каби ва бошқа кўпгина фикрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мумкин. Аммо айни пайтда кишини ўйлантириб қўядиган шундай жиҳатлар ҳам борки, мурожаат билан танишган одамда: «Хўш, ана шу ҳужжат муаллифлари айни пайтда шу принципларни амалга ошириш мумкин эканлигига нега шубҳа билан қарайдилар?» деган савол ҳам пайдо бўлади.

Мен «Мурожаат» муаллифларининг КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёноти билан жуда яхши танишганлар, деб айтишга ҳақлиман. Чунки ҳаракат ташаббускорлари эълон қилган ҳужжатда келтирилган фикрларнинг асосий қисми партиямизнинг баёнотида эълон қилинган эди. Мен бу ерда КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўладиган Пленуми муҳокамасига киритиладиган партиямиз Ҳаракат дастури лойиҳаси ҳақида тўхталиб ҳам ўтирмайман. Чунки, «Ҳаракат» ташаббускорлари орасида ана шу дастур лойиҳаси билан яхши танишган, унинг моҳиятини чуқур ўзлаштирган кишилар ҳам бор. Демак, КПССнинг янги Ҳаракат дастури мазмуни ва моҳияти «Демократик ҳаракат» ҳужжатларида акс эттирилмаган деб ким ҳам кафолат бера олади? Шундай экан, бизнинг партиямизни ичдан ислоҳ қилишга ноқобил партия деб айблашга ҳожат ҳам йўқ эди. Менимча, «Демократик ислоҳотлар ҳаракати» бутун мақсади халқ манфаатини кўзлаш, унинг моддий турмуш шароитини яхшилаш, инсоний демократик жамият қуришдан иборат бўлган Коммунистик партиямиз билан ёнма-ён туриб, биргаликда ва ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Ана шундагина унинг халқимиз олиб бораётган қайта қуриш ишига нафи тегади. Агар бу «Ҳаракат» кейинги вақтларда пайдо бўлган турли хил халқ фронтлари, уюшмалар сингари, тўғри, амалий иш ўрнига митингбозлик билан шуғулланадиган бўлса ҳеч қандай обрў топмайди. Зеро эл билиб айтганидек кучимиз — бирликда, аҳиллиқда, ўзаро ҳамкорликда. Мана шуни сира ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Р. ШОЕВА,
Бухоро вилояти Шофиркон районидаги Мўминов номли жамоа хўжалиги партия комитети котиби, КПСС Марказий Комитети аъзоси.

ХУШХАБАРЛАР

ТАҚЧИЛ ЭДИ, КЎПАЙМОҚДА

Ангрендаги СССР 60 йиллиги номли «Узбекрезинотехника» заводида турли хил халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бериляпти. Яқинда бу ерда калиш цехи ишга туширилди.

— Тақчил маҳсулот тайёрлайдиган ускуналарни қисқа муддатларда ўрнатиб бўлдик, — дейди цех бошлиғи Ж. Мирусмонов. — Ҳозирча кичик размерли калишлар ишлаб чиқариляпти. Келгусида эса турли размердаги маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилади.

Янги цехда ўз касбининг усталари — Шаҳноза Қодирова, Шуҳрат Ўтамуродов, Валентина Попова сингари ишчилар топшириқларни ошириб бажаришмоқда. Бундай илғорларнинг ғайрати туфайли цех аҳли ўтган ойда 40 минг жуфт маҳсулот тайёрлади. Июль ойида бу кўрсаткични 50 минг жуфтга етказиш кўзда тутилмоқда.

У. ЖУРАЕВ,
Тошкент вилояти.

БАХМАЛ ГИЛАМЛАРИ

Бахмал районидаги Ўсмат қўрғонида палос тўқиш цехи қайтадан ташкил этилди. Цехга илгари бахмал гиламлари довруғини Иттифоққа таратган моҳир гиламдўзлар жалб этилди.

Ҳозир цехда 12 нафар хотин-қиз меҳнат қиляпти. Улар ойига 10 минг сўмлик чиройли палослар тайёрлаяпти. Бахмаллик гиламдўзларга Москва вилояти ва Олтиариқ гилам тўқиш фабрикаларидан хом ашё келтирилмоқда. Яқин вақт ичида цехни кенгайтириш режалаштирилган.

— Бироқ тайинли ишлаб чиқариш биноси йўқлиги муаммо бўлиб турибди, — дейди район хотин-қизлар кенгаши аъзоси, цех ишчиси Т. Хонимқулова. — Шу сабаб дастгоҳларни хонадонларда ўрнатишга ҳам мажбур бўляпмиз. Агар цех биноси масаласи ҳал бўлса, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирган, энг муҳими — ишсиз хотин-қизлар иш билан таъминлаган бўлур эди.

С. АҲМЕДОВ,
Жиззах вилояти.

• *Оқибатли кишилар*

МЕҲРИ ДАРЁ

ОТАҚЎЗИ Қулбоев ўн етти ёшга тўлар-тўлмас меҳнатга бел боғлаган эди. Аввалига Фарҳод канали қурилишида тер тўкиб меҳнат қилди. Озми-кўпми баҳоли қудрат умумхалқ ишида фаол иштирок этди. Кейинчалик юрт бошига оғир иш тушган кезларда Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида душманга қарши мардона курашга жазм этди ва кўнгиллилар қатори урушга отланди. Брянск ўрмонларида жанг қилди, Украина диёрининг бир қанча шаҳар ва қишлоқларини озод этишда иштирок этди, Латвия, Литва, Эстония, Молдавия халқларини душман исканжасидан халос қилишда, Руминия тупроғини фашист газандаларидан тозалашда катта ҳисса қўшди. Уруш тугагач Совет Армияси сафидаги хизматини 1950 йилгача давом эттирди. Ниҳоят, минг ўлимдан қолиб, ўз юртига, жонажон қишлоғига Ватан хизматини виждонан ўтаб, ёруғ юз билан қайтиш насиб бўлди.

Ҳамқишлоқлари ўзларининг мард ўғлонларини катта қувонч ва ифтихор билан кутиб олишди. Жанг кўрган йигитга турли вазифаларни таклиф этишди. У Жўйлангар қишлоқ Советининг секретарлиги лавозимида ишлашни маъқул топди. Ахир хизматнинг катта-кичиги йўқ-ку. Шунинг учун ҳам ҳамқишлоқларига хизмат қилишни афзал кўрди. Ана шу лавозимда икки йилдан сал кўпроқ ишлади, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга ҳисса қўшди. Дардлиларга дардкаш, қийналганларга камарбасталик қилди. Ҳар ҳолда унинг ишидан эл рози бўлди.

Лекин тўсатдан касалликка чалинди, охири иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Бироз тетиклашгач, қишлоқ Совети кутубхонасига бошчилик қилди. Кейинчалик давлат хўжалигида боғдорчилик бригадасини бошқарди. Чўлда боғу бўстонлар бунёд этишдек хайрли ишга астойдил қўл урди. Шундан сўнг унга яна дард тажовуз қилди. Ногирон оёғидаги яра авж олиб, унга азоб берарди. Охири оёқни кесиб ташлашга тўғри келди. Бироқ бу ҳам етмагандек, иккинчи оёғи ҳам дардга чалинди. Отақўзи ака яна тўшакка михланиб қолди.

МЕН КЎНЛАРДАН бирида одатим бўйича Отақўзи акани зиёрат қилгани уларникига бордим.

— Келинг, ўғлим, акангиз уйдалар, — очиқ чеҳра билан қарши олди Ҳожал опа. — Зап келибсиз-да, у киши анча зерикиб ўтирувдилар. Бироз кўнгиллари ёзиладиган бўлди.

Ҳожал опа Отақўзи аканинг турмуш ўртоғи, вафодор, садоқатли аёл. Ичкарига кирдим. Ораста хонада одатдагидек Отақўзи ака чиннидек ўринда ювилган, таралган ҳолда мени хушнудлик билан кутиб олдилар. Омонлашдик. Ётиб қолган бўлишларига қарамай, хаста чеҳраларида мамнунлик барқ уриб турарди.

— Келинг, мулла Тўрақул, — бироз бедарак бўлиб кетдингиз, одам қадрдонларини соғинар экан.

Чиндан ҳам кўпдан бери келмай қўйганим учун у кишидан узр сўрадим ва анчагина дардлашиб, чақчақлашиб ўтирдик.

Мен бу воқеани ёзишдан мақсад Отақўзи аканинг таржимаи ҳолидан кўра, шу хонадоннинг меҳрибон соҳибаси тўғрисида, унинг намунали ҳаёти, у ўстираётган фарзандларнинг диёнатли бўлиб балоғатга етаётгани ҳақида, меҳрибон, заҳматкаш она парваришида камол топаётган фарзандлари хусусида ҳам фикр юритмоқчи эдим.

Ҳожал опа эри ногирон бўлиб тўшакка тушиб қолгандан сўнг турмушнинг барча машаққатларини ўз гарданига олди. Оилани тебратиш учун нимаики зарур бўлса, ўша ишни қилди. Қишлоқ клубида фаррошлик қилди. Фарзандларини йўлга солиб, боғ-роғларга қаради, сигир-бузоқ, қўй-қўзиларни парваришлади, рўзғор учун нафи тегадиган ишларни бажаришдан заррача ор қилмади. Шу алпозда оилани бошқарди, фарзандларини оқ ювиб, оқ таради, тарбия қилди, уларнинг ўқишлари, билим олишлари, ҳунар эгаси бўлишлари учун қўлидан келганча имкон яратди. Ҳуллас ўн бир жонга бошқош бўлди. Ўғиллари Бойқўзи ва Абдуллаларни техникумда ўқитди, катта қизи ўрта мактабни олтин медаль билан тугаллади. Бошқа фарзандлари Ғулом армия сафида хизматда. Қундуз ва Қобилжонлар эса айни пайтда мактабда таҳсил кўришяпти. Тўққиз фарзандлик, йигирмадан ортиқ набиралик жафокаш аёлнинг заҳматлари туфайли катта хонадон ҳамиша тўкин-сочин ва гавжум. Оилада эса тотувлик ҳукмрон. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат-икром одат тусига кирган. Қисқаси, бу хонадонни ҳавас қилса арзийди.

АНА ШУНДАЙ аҳил оилаларни кўриб, заҳматкаш инсонларни, ҳаётда ҳамиша собиткадам кишиларни учратиб завқланар экан одам. Дунёда шундай инсонлар борлигидан минг бор шукроналар айтгинг келади. Лекин, ҳа лекин, баъзи оилаларни кўриб кўпинча қўрқувга тушасан. Наҳотки меҳр-оқибатдан йироқлашиб, қадриятларимизни оёқ остти қилиб, одамийликни шафқатсизларча топтаб юрувчилар орамизда кундан кунга кўпайиб боряпти! Ўзидан каттани қадрламайдиган, ҳатто ота-онасини ҳам менсимайдиган, ўзи емай едирган, ўзи ичмай ичирган, ўзи киймай кийдирган энг мўътабар падари бузрукворини, азиз волидасини қариялар уйларига бадарға қилишгача бориб етаётган кимсаларни учратганингда, беихтиёр қалбингда уларга нисбатан нафрат ўти туғён уради.

«Қариялар уйи» деган гапнинг ўзи қаёқдан чиқди? Ўтмиш авлод-аждодларимиз тарихида бундай «удум» бўлмаган эди-ку! Майли, шу кимсалар ота-онасини ўшандай уйларда яшашга раво кўрган эканлар, ахир ҳеч бўлмаса вақти-вақти билан улардан хабар олиб туриш лозим эканлигини хаёлига ҳам келтирмаса! Бу гаплар тошбағирларга хоҳ таъсир қилсин, хоҳ қилмасин, барибир, гапиргинг келаверар экан.

Майли, аввало бундай инсонлар орамизда бўлмагани яхши эди. Лекин улар ҳаётимизда ҳамон учраб турар экан, нима ҳам қила олар эдик. Бахтимизга илоҳи яхши инсонлар кўпайсин. Ҳожал опа сингари меҳри дарё, қалби саховатга тўла, юраги диёнат ва шафқат билан пешланган эътиқодли, иймонли одамлар, саховатли аёллар, меҳрибон волидалар, шафқатли фарзандлар сафи кенгаяверсин.

Тўрақул ОСТАНАҚУЛОВ,
Ховос ноҳияси Тимирязев номли жамоа хўжалиги.

ОМАД КИМГА КУЛИБ БОҚАРКИН?

Наманган рўзнома дўконларида ғайриоддий лотерея билетлари пайдо бўлди. Уларнинг номи ҳам янгича: «Тартибот». Наманган район ижроия комитети ички ишлар бўлими шундай лоторея чиқариш ташаббускори бўлди.

Ҳозиргача умумий қиймати бир ярим миллион сўмлик ярим миллион билет чиқарилди. 10 ноябрь куни, яъни Милиция ходимлари куни байрамида бўладиган ўйинда бахт кулиб боққан кишилар «Москвич» ва «Жигули» автомобилларига, мотоцикл ва видеомагнитофонларга, рангли телевизорларга эга бўладилар ёки 25 минг сўмгача пул ютуғи оладилар.

Район ички ишлар бўлими бу тадбирни ўтказиш учун маблағни райондаги хўжаликлар ва корхоналардан олди. Лотереядан тушган пул милиция идораларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга, шунингдек хайрия мақсадларига сарфланади.

Н. ХУЖАЕВА,
ЎзТАГ мухбири.

ТИЛ ТАГИДАГИ ОҒУ

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан тамаки маҳсулотларининг нархи оширилиши ўзининг илк «ижобий» куртакларини кўрсата бошлади. Ўзбекистон Давлат ҳисоб Комитетидан олинган маълумотларга қараганда, жумҳуриятимизда тамаки маҳсулотларини тарқатиш кейинги уч ойда 18 фоизга камайган.

Бизнингча, буни кашандаларнинг иродаси билан эмас, балки чайқовда бир қути «Полёт» 1,5-2, «Родопи», «ТУ-134», «Стюардесса» 3-4 сўм, «Пал-мал», «Малборо» 15 сўмлиги билан боғлаш тўғрироқ бўлар. Шунга қарамай жумҳуриятимизда чекувчилар сони анча камайганлиги аниқ факт.

Бироқ Тошкентдаги носвойфурушларнинг сўзларига қараганда, сўнгги пайтларда нос чекувчилар сони ўтган йилга нисбатан 3-4 баробар кўпайган. Аввалари бир тоғора нос кун бўйи зўрға сотилган бўлса, ҳозир икки соатга ҳам қолмай тамом бўляпти. Кўпчилик бу ҳолни носнинг арзонлигига йўйишмоқда...

Лекин барибир, СССР Соғлиғи сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш (шу жумладан нос ҳам) соғлиғингизга зарардир.

Ш. ҚУРБОНОВ.

СУРАТ—АХБОРОТ

* ФАРЗАНДЛАР ЯЙРАБ ЎССИН ДЕЯ... *

Самарқанд вилояти. Булунғур районидаги «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» давлат хўжалиги марказида жойлашган «Ниҳол» болалар боғчасида меҳнаткашларнинг 60 нафардан ортиқ фарзандлари яйраб-қувнаб тарбияланмоқда.

Бу масканда камол топаётган кичкинтойларнинг қувончи чексиз. Боғча жамоасида ўз касбининг устаси, ширинсўз, меҳрибон, фидойилари хизмат қилади. Ҳамшира Бувассал Усмонова ҳар куни эрталаб жажжи болажонларни тиббий кўрикдан ўтказса, Рўзигул Абдураҳмонова тайёрлаган мазали таомлар хўрандаларга манзур бўляпти.

* * *

Пастдаги суратда эса Жиззах вилояти, Дўстлик районидаги кўчатчиликка ихтисослашган давлат хўжалигида жойлашган «Райҳон» болалар боғчаси тиббий ҳамшираси Адолат Холмуродова тарбияланувчилар саломатлигини назардан ўтказяпти. У 15 йилдирки кичкинтойлар саломатлигини тиклаш йўлида баҳоли қудрат хизмат қилмоқда.

Зеро, келажак авлоднинг баркамол инсон бўлиб етишиши болалар боғчасидаги бугунги ғамхўрликка боғлиқдир. Болалар боғчаларида айниқса, ҳозирги ёзги пишиқчилик дастурхонларда ўз аксини топган, жазирама иссиқ кунларда чўмилиш ҳавзаларида мириқиб дам олган фарзандлар саломатлиги доимо рисоладагидек бўлади.

Т. ДАВЛАТОВ ва У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ—ОРОМГОҲЛАРДА

Бугунги кунда Оролбўйи элатлари бошига тушган кулфатни эътиборга олмаслик чинакамига гуноҳи азимдир. Гоҳо Чернобиль фожиасини ўйлаймиз-у, ёнгинамизда қондошларимиз чекаётган азоб-уқубатни унутиб қўямиз.

Наманган вилояти меҳнаткашлари минтақамизнинг ушбу бахтсиз нуқтаси фуқаролари ташвишини баҳоли қудрат енгиллаштиришни инсоний бурч, деб билмоқдалар.

Наманган районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги баҳор ойларида Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятига 10 тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулоти жўнатган, вилоятдаги бошқа хўжаликлар унга эргашган бўлса, Оролбўйи ҳудуди болаларининг анчагинаси уч йилдирки, Наманган оромгоҳларида ёзги таътилларини ўтказмоқдалар.

Яқинда улардан 160 нафари ўз тарбиячилари билан биргаликда Чортоқ районидаги хушманзара «Шодлик» кашшофлар лагерининг иккинчи босқичида дам олишни бошладилар. Бу ерда Хоразм вилояти ва Нукус шаҳридан ташриф буюрган пионер ҳамда ўқувчиларнинг саломатликларини мустаҳкамлашлари, янги ўқув йилига куч йиғишлари учун барча шарт-шароит муҳайё. Ёш меҳмонларга қўшимча тарбиячи вожатийлар бириктилди. Тўрт маҳалги тўйимли овқатдан ташқари, ширин-шарбат мевалар, сервитамин сабзавот ва полиз маҳсулотлари берилмоқда, спорт майдончалари, кинозал улар хизматида. Ҳар турли кўнгилочар ўйинлар ташкил этилмоқда. Махсус автобусларда диққатга сазовор жойларга экскурсиялар уюштириляпти. Шунингдек ота-оналар билан хабарлашиб туришлари учун сим орқали алоқа йўлга қўйилган.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.

• *Муаллимлар ҳамроҳи*

ҚИММАТЛИ ҚЎЛЛАНМА

Меҳнат жараёнининг маҳсулдорлиги — иш сифати, меҳнат маданияти, интизом, ташаббускорлик ва бошқалар бевосита унда иштирок этаётган кишиларнинг маълумот даражасига боғлиқлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз омманинг маълумот даражасини ошириш учун тинмай ғамхўрлик қилаётир. ЮНЕСКОнинг маълумотларига кўра, мамлакатимизда ўн ва ундан катта ёшдаги ҳар бир минг кишига 678 нафар ўрта ва олий маълумотли киши тўғри келаркан.

Бу ҳол халқ таълими олдига янгидан-янги вазифалар қўяётир. Масалан, демографик ҳолатларнинг ўзгариши таълим доирасининг анча кенгайишига олиб келди. Экологик муаммоларнинг кескинлашуви барча кишиларда экологик маданиятни шакллантиришни зарур қилиб қўйди, демократиялаш жараёнлари чуқур иқтисодий ва ҳуқуқий маълумот эгаси бўлиш талабини кучайтирди.

Узлуксиз таълим инсон бутун умри бўйи ўз билимини ошириб боришини талаб қилади.

Узлуксиз таълимнинг ягона тизимини яратиш борасида халқ таълимининг барча бўғинларида асосий ўрин ҳисобланган ўқитувчи — зарур билимлар билан қуролланган диалектик тафаккур ва чуқур илмий дунёқараш соҳиби, ижтимоий фаол шахсдир. Равшанки, биринчи навбатда, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ишини такомиллаштириш керак. Бу ишнинг асосий йўналишлари — ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжни тадқиқотлар асосида синчиклаб ўрганиш, олий ва ўрта педагогика ўқув юртларини ихтисослаштириш, умумтаълим мактабларида муаллимлик касбига ҳавас уйғотиш даркор.

Олий педагогика ўқув юртлари ўқитувчилик касбига қобилиятли, унга мойил ва қизиқувчи ёшларни саралаб олиш йўли билан талабалар сафини тўлдириши ғоят муҳимдир. Шу билан бирга эгалланган билимларни узлуксиз тўлдириб бориш ҳам зарур. Ҳозирги вақтда «билимдонликнинг ярим умрилиш даври», яъни олинган билимларнинг эллик фоизи эскириш муддати мутахассислар учун беш йилни, кимёгар, биолог, тиббиётчилар учун эса тўрт йилни ташкил этмоқда. Бундай шароитда кадрлар, жумладан, ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш олийгоҳларининг роли бениҳоя катта.

Жумҳурият халқ таълимини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган педагогика фанлари номзоди И. Турсуновнинг қаламига мансуб «Халқ таълимининг долзарб муаммолари» китоби мазмунини ўқитувчи, унинг шахси, педагогик фаолиятининг шаклланиш жараёнлари ташкил қилади. Китобда мамлакатда, жумладан Ўзбекистонда олий ва ўрта таълимни тубдан қайта қуришнинг зарурияти, узлуксиз таълимнинг асосий бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълим концепцияси олға сурган ғоялар тафсили, олий педагогика ўқув юртлари ўз талабаларини ўқитувчилик касбига қобилиятли, мутахассисликка табиатан мойил, қизиқувчи ва фидоий йигит-қизлар орасидан танлаб, саралаб олиш йўлига ўтишлари лозимлиги таъкидланади.

Муаллиф ўз асарида совет халқининг ғоявий-сиёсий birлигини мустаҳкамлаш, байналмилал тарбия масалаларига атрофлича тўхталиб, уларни ҳал қилишда рус тили, рус тили ўқитувчисининг ролига баҳо беради, барча миллат вакилларн томонидан рус тилининг чуқур ўрганилиши мақсадга мувофиқлигини исботлайди, бунинг учун таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштириш йўлларини белгилашга интилади. Она тилини пухта ўрганмай туриб, бошқа тилларни ўрганиш ғоят қийин эканлигига тўхталади. Муаллиф асосий эътиборни мактабларда она тилини, ўқишлар рус тилида олиб бориладиган мактабларда миллий тилни чуқур ўрганиш зарурлигига қаратади.

П. МИРЗАЕВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИЛМГОҲИ
1991 йил учун
қуйидаги ихтисослар бўйича
АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ: диалектик ва тарихий материализм, фалсафа тарихи, фуқаро ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаро жараёни, халқаро хусусий ҳуқуқ, давлат ҳуқуқи ва бошқарув, совет қурилиши, маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ, қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи, ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ, социология назарияси, услубиёти ва тарихи;

СИРТҚИ: жиноий ҳуқуқ ва криминология, ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи.

ҲУЖЖАТЛАР — 1991 ИЙЛ 30 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисида ариза илмгоҳ директори номига ёзилади ва унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (кадрлар бўлимида тасдиқланган, учта фотосурат билан; таржимаи ҳол, иш ёки ўқиш жойидан тавсифнома-тавсиянома, олий ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси ва синов қайдномасидан кўчирма, меҳнат дафтарчасининг нусхаси, эълон қилинган илмий ишларнинг рўйхати. Бундай ишлари бўлмаган шахслар танлаган соҳаси бўйича ёзилган илмий маъруза (реферат)ларни топширадилар; бевосита олий ўқув юртини битирганидан сўнг аспирантурага кираётган шахслар учун — олий ўқув юрти кенгашининг йиғин баёнидан кўчирмалар.

Манзилимиз: 700170, Тошкент шаҳри, Мўминов кўчаси, 9-уй, 6-қават.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
олий ўқув юртларига кирувчилар учун
ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИНИ ОЧАДИ

КУРСЛАР 1991—1992 ЎҚУВ ЙИЛИ БИТИРУВЧИЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН

Тайёрлов қуйидаги фанлар бўйича олиб борилади: **физика, кимё, математика, тарих, чизмачилик, информатика.**

Машғулотлар 1991 йил 1 октябрдан бошлаб, куннинг иккинчи ярмида олийгоҳ дарсхоналарида олиб бориладн.

Олмалиқ, Ангрен, Гулистон, Жиззах шаҳарларидагн машғулотларни ҳам олийгоҳ ўқитувчилари олиб борншади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ. Ўқиш ҳақи — 500 сўм.

Хоҳловчилар қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишсин: Тошкент шаҳри, Қориниёзов кўчаси, 39-уй, ўқув бўлими.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридагн
ЖУМҲУРИЯТ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «САЙЁҲ-ИНТУР» БИРЛАШМАСИ.
ҒОЛИБЛАРГА ОЛИЙ СОВРИНЛАР

Янги футбол танловининг ҳомийлари — Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридагн Вазирлар Маҳкамасига қарашли жумҳурият хўжалик ҳисобидаги «Сайёҳ-интур» бирлашмаснинг «Шарқ» реклама-тижорат фирмаси ва «Ипак йўли» сайёҳлик фирмаси хорижий мамлакатларга учта саёҳат йўлланмаси ва бешта рағбатлантириш совринини тайёрламоқда.

Олий совриндорларнинг бахтли соҳиблари бўлишингиз учун:

— Бешта саволга тўғри жавоб беришингиз;

— тўғри жавобларни ҳар бир юборилган вариант учун пул тўланганлиги ҳақидаги квитанция билан бирга қўшиб хатжилд орқали 1 сентябрдан кечиктирмаган ҳолда (хатжилд муҳрига кўра) қуйидагн манзулга юборишингиз лозим:

Тошкент шаҳри, 35-алоқа бўлими, 4437-абонент қутиси.

— хоҳишингизга кўра ҳар бир вариант учун тегишли равишда 2 (икки) сўмдан пулни қуйидагн манзилга жўнатинг: «Шарқ» реклама-тижорат фирмасининг Тошкент шаҳар Ўзбекистон авиация банкидаги 689161-500-ҳисоб рақами (МФО 729002).

Истаган ҳар бир киши танлов иштирокчиси бўлиши мумкин.

— танловни ташкилий қўмита ўтказади.

Эслатиб ўтамиз, 1 сентябрдан кейин юборилган жавоблар инобатга олинмайди.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ БИЗНИНГ САВОЛЛАРИМИЗ

1. Олий лига 54-мамлакат биринчилигининг олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиблари бўладиган жамоаларнинг номларини айтинг.
1.
2.
3.

2. Ушбу биринчилик натижаларига кўра «Пахтакор» (Тошкент) жамоасининг энг сермаҳсул ўйинчисининг номини айтинг.
1.
2.
3.

3. Олий лига 54-мамлакат биринчилиги энг моҳир тўпурар чарм тўп устасининг номини айтинг.
1.
2.
3.

4. Бу йилги мамлакат биринчилигини «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси қандай ўринда якунлайди.
1.
2.
3.

5. «Пахтакор» 54-мамлакат биринчилиги доирасида нечта ўйинда ғалаба қозонади.

Ғалабалар сони:

Маълумотлар учун телефон: 34-62-64, соат 10.00 дан 13.00 гача қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Медицина ва микробиология саноатининг Бутуниттифоқ кимё-технология илмгоҳи жамоаси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, профессор М. Ф. Обидовага опаси; катта илмий ходим кимё фанлари номзоди Д. Р. Аъзамхўжаевага онаси

Раҳима ФОЗИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Племэлита» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бош директор муовини О. Абдураҳмоновга онаси

Шарофатой БАДАЛБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 21.45.
№ 137.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12